

**Ўзбекистон Давлат консерваторияси
“Шарқ мусикаси” факультети**

“Анъанавий хонандалик” таълим йўналиши

РЕФЕРАТ

Мавзу: Катта ашула.

Бажарди: Тошпўлатов М
Текширди: Матёкубов Ш

Тошкент 2016

Режа:

КИРИШ.....	3-4
1.Катта ашула ижрочилик жараёнининг жисмоний ва рухий асослари.....	5-8
2.Хонанда овозларининг руҳияти.....	9-16
Хулоса	17-19
Фойдаланилган адабиётлар	20

КИРИШ

Ҳар бир халқнинг маданияти, миллий санъати ва бой бадиий анъаналари аجدодлардан мерос қолган моддий ва маънавий бойликлар билан белгиланади. Шундай қадриятлардан бири овоз санъатидир. Чунки мусиқа овоз билан пайдо бўлган. Асрлар, минг йилликлар давомида ҳали чолғу асбоблари яратилмаган даврлардаёқ овоз санъати мавжуд бўлган. Ана ундан кейин чолғу асбоблари ихтиро қилинган. Овоз санъати пишиб етилганидан кейин ўз навбатида онгли равишда яъни, аниқ парда ва соз нуқтаи назаридан мусиқа вужудга келган.

Овоз санъати деганда биз бир томонидан Оллоҳ инъом этган неъматни тушунсак, иккинчи томондан ўша неъмат ато этилган инсонни ва уни ўша овоздан қандай фойдаланишини тушунамиз. Дарҳақиқат инсон овозини яратиш унинг ўзини қўлидан келмайди, аммо овозни мусиқага росмана созлаш, парваришлаш ва мутаносиб ҳамда хушсадо ишлатиш бу албатта санъатдир.

Масалан, қадимий оташпарастилар динида мусиқанинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, диний маросимлар чоғида биронта чолғу асбоби ишлатилмаган. Гат шаклидаги фахрия, мадҳия ва олқишлар фақат хониш (ашула) шаклида ижро қилинган. Чолғу асбоблар дунёвий мусиқа йўналишида ишлатилган. Фаробийнинг таъбири билан айтганда илк мусиқий кўринишлар диний мусиқа кўринишида пайдо бўлган. Оташпарастилар айтадиган Авесто гатлари, оятлари барчаси мусиқа билан чамбарчас боғлиқ. У даврдаги оҳанг ва мусиқаларнинг номлари ҳозирги кунгача етиб келмаган. Аммо ёзма битиклари оз миқдорда сақланиб қолган. Қадимий Хоразм археологик қазилмаларига кўра илк мусиқа асбоби яъни, бурчакли арфа эрамининг II–III асрга мансуб. Ундан ҳам олдинроқ бўлгандир.... Лекин Авесто бу санадан анча илгарироқ пайдо бўлган. Айтмоқчимизки, овоз бирламчи мусиқа создир, мусиқий чолғулар эса овозга тақлид қилган ҳолда кейин яратилган.

Шу ўринда Ал–Фаробийнинг фикрларини таъкидлаб ўтмоқчимиз: Мусиқада икки хил овоз бор. Бири табиий овоз бўлиб, у инсоннинг халқумидан тараладиган овозидир. Унинг табиийлиги шундаки, ҳеч бир инсон овози бошқасиникига ўхшамайди, яъни, дунёда нечта одам бўлса шунча бир–бирига ўхшамайдиган овозлар бор. Қолаверса, ўзгариш, ривожланиш ва сўниш хусусиятига эга. Иккинчи хил овоз бу мусиқий чолғуларнинг товушидир. Уларнинг сунъийлиги шундаки, барчаси одам овозига тақлид қилади. Бундан ташқари бир бирига ўхшайди (масалан: танбур танбурга, сурнай сурнайга, скрипка скрипкага ва хоказо) ва одам овозидан фарқли ўлароқ ўзгармайди ҳамда умри узок бўлади.¹

Инсон қўли билан ясалган чолғудан кўра овоз санъати моҳиятан бирламчи ҳисобланади. Яъни, мавжуд нарсалар бирламчи, ясалган жисм эса иккиламчи ва сунъидир. Шунга кўра овоз табиий мусиқий соз бўлганлиги ва бошқа инсон қўли билан ясалган созлар унга тақлид этувчи сифатида яратилганлиги айтиб ўтилган. “Қадимдан маросим қўшиқлари ва муқаддас китоблар қироатининг сирли қудратга бўлган эътиқод айнан шу овоз таъсири туфайли юзага келган. Туйғуларни жумбушга келтирувчи овоз оҳанги орқали Авесто, Забур оятлари (Довуд нағмалари) инсон қалбига етказилган. Нафис ва гўзал овоз оҳанглари қадрлаш ислом динига ҳам хосдир. Муқаддас китоб Қуръони карим пайғамбаримиз С.А.В.га ҳам илоҳий овоз ваҳий орқали нозил қилинган. “Қуръонни гўзал ва ёқимли овозда қироат қилинганлар” деган саҳиҳ ҳадис ҳам бор.”²

¹ Дарвеш Али Чангий, “Рисолаи мусиқий” ЎзФАШИ, ИНВ–468, 8(а), 8(б), 9(а), 9(б), 10(а), 10(б), 11(а), 11(б) варақ

² О.Матёкубов “Мақомот” (Тошкент 2004 йил, 267–бет.)

1. Катта ашула ижрочилик жараёнининг жисмоний ва рухий асослари

Маълум бир мусиқий асар уч хил кўринишда мавжуд бўлади. Биринчиси нота ва ғазал матни, яъни ёзув асосида бўлса, иккинчиси, ижрочи томонидан талқин қилинган жонли ижрода ва учинчиси, тингловчининг ҳаётий тажрибаси (самаъ–само) ва бадиий образларнинг у томонидан қабул қилиниши натижасида асарни ҳақиқий ижро жараёни амалга оширилади.

Мусиқий асар, мақом мумтоз ашулани ижро қилиш фақат ўша яратувчи, бастакор ёки композитор нотага туширган фикру–ҳаёлларининг талқини бўлибгина қолмасдан, ижрочи учун ўта мураккаб жисмоний ва рухий кечинмалардан иборат жараёндир.

Ижро бадиий жиҳатдан юксак бўлиши учун унда хонанданинг диққати, сезгиси, идроки, тафаккури, тасаввури ва эмоцияси (ҳис–туйғу ва ҳаяжон) ва энг асосийси овоз руҳияти фаол иштирок этиши зарур. Бундан ташқари унинг шахсий овоз сифати, тембрининг гўзал ва бойлиги, пардаларнинг (интонация) тозалиги, мусиқий қобилияти ва иқтидори, қувноқлиги ва жўшқинлиги, дунёқараши ва эркин фикрлаши, характери ва минталитети акс этмоғи лозим. Ушбу шахсий сифатларнинг барчаси инсон руҳиятининг ўзига хос хусусияти, бадиий–ижрочилик ижодининг таркибий қисми бўлиб, ҳали яхши тадқиқ қилинмаган мусиқий (психология) руҳшунослик соҳасига алоқадордир.

Инсон фаолиятининг барча турларида бўлгани каби, **Диққат** мусиқа санъатида ижрочининг ҳиссий, интеллектуал, ҳаракатга келувчи жараёнлардаги фаолият самарадорлигининг муҳим шартидир. Мусиқий фаолиятнинг барча турлари **диққат** билан боғлиқ бўлиб, айниқса жамоа шаклида ижро қилишда у жуда муҳимдир. Яъни ансамбл бўлиб куйлашдан аввал мусиқа раҳбари (доира, чанг чўпи)нинг кўтарилган қўллари, автакт, яккахон ва жўрнавоз–жўровоз ўртасидаги ишора ва ҳаракатларнинг ҳаммаси мусиқада **диққат** деб аталади.

Айниқса анъанавий хонандалар жисмоний ва руҳий жиҳатларининг барча томонларини кўриб чиқадиған бўлсак, ижро жараёнида ашулачининг мураккаб марказий асаб тизими, бутун сезги аъзолари, кўриш, эшитиш, хотира, ҳаракат майллари, мусиқий–эстетик тасаввурлари ва ақлий фаолиятининг бир–бирига боғланған, мужассам ҳолда чиройли куйлашда катнашишини гувоҳи бўламиз. Булардан *сезги*–инсон организми томонидан эшитиш, кўриш, ҳид билиш, тана сезгиси, таъм билиш ва ҳ.к. аъзолари орқали моддий дунёни англайди.

Бу мураккаб жараёнда хонанданинг ақл–идроки ва руҳий фаолияти куйлашга қаратилған бўлиб, у ўз овози ва ёнидаги ҳамнафаслари ижроси ёки жўрнавон чалаётған мусиқий товушларни эшитиши, нота матни ёки бошлиқ ҳаракатини кўриши, парда, тесситура, сакраш ва авжларни овоз аппаратида ҳис қилиши, сезиши натижасида бош миёга ахборот етади. Нарсалар ёки ҳодисаларнинг сезги аъзоларига бевосита таъсири орқали онгимизда акс этишига *идрок* дейилади. Сезгида предметнинг алоҳида қисмлари, идрокда эса предметнинг барча таркибий қисмлари бир бутунликда ҳис қилинади. Ўз ижросини эшитған хонанда тажрибасига таяниб уни таҳлил қилади ва умумлаштирган ҳолда хулоса ясаб хатоларини тузатиш учун қарши ҳаракатга шайланади. Аммо умумлаштириш ва хулоса яшаш учун инсон фикрлаши, мушоҳада ва мулоҳаза қилиши зарур. Бу тафаккурнинг вазифаси бўлиб, *Тафаккур*–объектив борлиқнинг фикрда, мушоҳада ва ақлда унинг таҳлили ва синтези билан акс этиш жараёнидир. У олий миёянинг энг юқори маҳсули бўлиб, идрокдан фарқли ўлароқ, нарсаларнинг чуқур моҳияти ва мазмунини акс эттиради. Анъанавий хонандаликда бунини уч босқичда кўриш мумкин. Хонанда дастлаб кўриш, эшитиш, овоз аппарати ва ички туйғу билан ҳис қилиш ва бошқа сезгилари орқали асарни бир бутун ҳолда (шеър, ғазали, услуби, характери, асосий матни, тонлиги, ва ҳ.к.) англайди ва ҳар хил майда жиҳатларини аниқлашга интирмайди. Иккинчи босқичда ўз ижрочилик фикрини амалга ошириш учун турли ижро услубларини

қўллаган ҳолда овознинг садоланиши, сўзлар талаффузи, оғиз артикуляцияси, бўғинлар бўлиниши, метроритм, суръат, агогика, динамика ва ашула жумлаларига аниқлик киритади. Қисқаси ҳар бир асар бўлаги устида кунт билан алоҳида ишлайди. Учинчи босқич ижодий жараённинг мураккаб пағонаси бўлиб, бунда ижрочи кўриш, эшитиб куйлаш, сезги ҳаракат омилларига ва иккинчи босқичда ўз тажрибасидан ўтказган амалиётига таянган ҳолда асарни тўлиқ ва пишиқ таҳлил қилинган ва умумлашган шаклини бир бутун ҳолда тасаввур этади. **Тасаввур** билимнинг ибтидоси бўлиб, бош мияда (анализ ва синтез асосида) ҳосил бўлади ва тафаккурдан фарқли ўлароқ ижрочи ҳаёлида олдиндан акс этадиган тушунчалар тизими бўлиб, бадий ижодиётнинг барча турларига хосдир. Тасаввурда иникос акс этиб бош мияга ахборот етгандан кейин бош мия орқали буйруқ берилади ва вужуд рефлекторларнинг турткиси яъни тўхташ ва йўналиш ҳаракатлари бошланади. Рефлекторларга жавоб тариқасида ижро ҳаракатлари ва бошқа сигнал тизимлари ишга тушади.

Бунда хонанда тайёр бўлган ашулани қандай талқинда куйлаши ва унинг образларини ҳаёлида тасаввур қилади ва онгида қандай шаклланган бўлса шундайлигича тингловчига тақдим этади.

Муסיқани бадий англаш ва тушуниб етишда мусиқий тасаввур жараёни асос сифатида хизмат қилади. Тажрибали тингловчининг тасаввурида фақат жаранглаб турган товушлар йиғиндиси ёки ашулачи овозигина эшитилиб қолмасдан ундан кейин келадиган оҳанглар, ғазал сўзлари, куй ҳаракати, лад ўзгариши, маълум маъно берувчи мавзу ҳам акс этади.

Инсон руҳиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири **Ҳис, туйғу ва ҳаяжон (эмоция)дир**. Киши ўзининг ҳаётий фаолияти жараёнида атрофини ўраб турган моддий борлиқ билан доимо мулоқотда бўлади. Бунинг натижасида шоду–хуррамлик, қайғу ва ғам, тўлқинланиш ва ҳаяжон, мағрурлик ва ифтихор, жаҳл ва ғазаб, ҳайратланиш, хафа бўлиш

каби бошқа кўплаб майил ва туйғулар (объектив дунёга субъектив муносабат кечинмалари) инсоннинг эмоционал ҳис-ҳаяжон ҳолатини ифодалайди.

Эмоция (туйғу кечинмаларининг шакли) ижобий ва салбий турларга бўлинади. Ижобийлари: шоду-хуррамлик, тўлқинланиш ва ҳаяжон, мағрурлик ва ифтихор, хайратланиш ва бошқалар. Салбийлари: қайғу ва ғам, жаҳл ва ғазаб, хафа бўлиш каби омиллардан ташкил топади.

Ижрочи-хонанданинг овози ва ижрочилик фаолияти ҳис-ҳаяжон ва эмоция билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у ижодкор томонидан яратилган мақом, мумтоз ашула ва бошқа асардаги фикр ва мақсадни ундаги бадий эмоционал қиёфалар тизимини тингловчига етказиб бера олиши зарур. Бунда хонанда асар кайфиятига мос, овозига, ўзига хос равишда қизғинлик, ифода ва жозиба бахш этган ҳолда куйлайди. Ашула ҳеч қандай эмоция ва ҳис-ҳаяжонсиз айтилган бўлса тингловчи юрагига етиб бора олмайди, уни бефарқ қолдиради ва ижродан, ашулачидан норози бўлади. Шунинг учун хонанда ҳар бир асарнинг бадий эмоционал образлар мазмунига чуқур кириб бора олиши, ундаги қайғуриш, зорланиш, кувониш, тантана, ҳазил ва бошқа кайфият турларини ишончли ёритиб бера олиши керак.

Муסיқий руҳшуносликда бадий образ уч омил асосида очиб-ифодаланиб берилади. Буларнинг биринчиси моддий, яъни асосий матн ёки нота матни, ашулачи овози-товуши, куй, гармония, усул, динамика, тембр, регистр ва ҳ.к. Иккинчиси руҳий, яъни кайфият, тасаввур, ифода, ирода, ҳиссиёт. Учинчиси мантиқий, яъни шакл, жанр, мазмун каби омиллардир.

Хонанданинг ижрочилик амалиётида интеллектуал ва эстетик, яъни энг нозик ва гўзал олий нафосат эмоция шаклланади. Ушбу ҳис туйғулар хонанда ижрочилик фаолиятида ўз олдига аниқ мақсад қўйиб онгли равишда турли восита ва йўллардан фойдаланган ҳолда мақомлар ва мумтоз асарлардаги бадий образни очиб бериш учун хизмат қилади.

Ашула ижрочилик жараёнининг жисмоний ва руҳий асосларини чуқур ўрганиш бўлғуси хонанда, ўқитувчи ва тарбиячи учун жуда муҳим шартлардан биридир.

2. Хонанда овозларининг руҳияти.

Овоз руҳияти деганда биз унинг тембри, йўғон ёки нозиклиги, ҳаракатчанлиги ёки оғирлиги, жарангдорлиги ёки тунтлиги, кучлилиги ёки кучсизлиги ҳамда ранг–баранглигини кўзда тутамиз. Инсон овози руҳияти қандай бўлса унинг характери ҳам шундай бўлади. Яъни, инсон руҳияти овоз руҳияти билан мос келади. Масалан, инсон оғир, босиқ, беғам бўлса, бундай кишилар овозлари пастроқ ва *драматик* характерга эга бўлади. Чаққон, доим шошилиб юрадиган, жахлдор хонандаларнинг овозлари эса юқорироқ бўлиб, *лирик* характерга эга бўлади. Лекин кўринишдан ўзи оғир–босиқ бўла туриб, овози *лирик тенор* хонандаларни ҳам учратиш мумкин. Ёки аксинча, шўх, шовқин–суронли хонандаларнинг овозлари *драматик баритон* ёки *бас* овозли бўлишлари мумкин. Бу ҳолат фақат ўндан бир қисмигинасини ташкил этади.

Замонавий хонандалик педагогикаси қадим тажрибаларга, ички ҳиссиётларга ишонч, бой ижрочилик маҳоратига асосланган бўлиб, хонандаликдан дарс бера олиш ўқувчини бу борада тўғри йўналтира олишни нафақат илм, балки санъат дейиш тўғридир. Қадимда куйлашга ўргатиш санъати сир сақланиб келинган. Чунки моҳир ижрочи бўлиш, тажрибалар орттириш учун хонандадан жуда катта вақт, куч, билим талаб этилган. Аммо ҳозирги кунда тизим анча ўзгарган. Лекин устознинг сири масаласига келадиган бўлсак, ҳар бир устоз ўз ўргатиш услубига эга.

Кимки хонандаликни ўрганмоқчи бўлса, албатта ўзининг даслабки ижодлариданоқ овозининг руҳияти ва қайси турга мансуб эканлигини аниқлаб олмоғи лозимдир. Бунинг учун иккита овоз бўйича мутахассис ўқитувчи ва бир шифокор яъни, оторинолоринголог каби мутахассислардан ҳайъат тузилиб, текширилмоғи шарт. Бу ҳайъат

аъзолари асосан бўлажак хонандани уч хил иқтидорига баҳо беришади: биринчиси; эшитиш қобилияти, иккинчиси; овознинг кўлами ёки қайси турга мансуб эканлигини аниқлаш, учинчиси; овоз аппарати, нафас ва эшитиш тизимини касалликлардан холи, соғлом эканлигини текшириш. Даслабки икки текширув натижасини яъни, эшитиш қобилияти ва овоз турини хонанда мутахассислар айтиб беришлари лозим. Овоз аппарати, нафас ва эшитиш аъзолари ташхисини эса шифокор оторинолоринголог аниқлаши кўзда тутилади. Овоз руҳиятини, қайси турга мансуб эканлигини бир кўришда аниқлаш қийин албатта. Қайта текширувлардан ҳамда шифокорнинг ташхисидан сўнг аниқ бир хулосага келиш мумкин.

Маълумки овоз қанчалик йўғон бўлса, товуш ҳосил қилишда ютқин ҳаракати шунчалик кўпаяди ва овоз пайларининг бақувватлиги сезилади. Овоз қанчалик баланд бўлса аксинча овоз пайлари шунчалик ингичка ва ютқин нозик бўлади.

Ҳар бир хонанда ўз овоз тесситурасини яъни, турини фаолиятининг даслабки поғоналариданоқ аниқлаб олиши лозим. Акс ҳолда товуш сифатини бузиш каби салбий ҳолатларга олиб келади. Агар овоз баланд бўлса паст пардаларни ижросига ҳаракат қилиш бесамардир. Айтайлик овоз паст бўлса юқори пардаларга чираниб чиқиш овоз пайларини зўриқтириш орқали оқибатда бузилишига олиб келади. Ҳаётда бу каби овоз сифатини бузиб қўйиш ҳолларининг кўплаб мисолларини келтиришимиз мумкин.

Овозларни турга ажратиш ҳар қандай билимдон устоз учун ҳам қийин кечади. Масалан: бир ўқувчини овозини у ёки бу турга мансуб эканлигини айтиш учун аввало овознинг тембрига яъни, овознинг рангига эътибор берилади. Сўнгра унинг кўламига нисбатан овозлар турларга ажратилади. Баъзида шундай овозлар учрайдики, тембр жиҳатидан йўғон яъни, баритон бўлса—да, кўлам жиҳатидан овозининг юқори пардалари тенор каби бўлади, ёки овози майин юмшоқлиги тенорлар сингари бўлса

ҳам кўлами кичикрок яъни, юқори пардаларни ижро эта олмаслиги мумкин.

Агар медицина томонидан олиб қарайдиган бўлсак, эркакларда овоз пайлари ва резонаторлари ҳажми нисбатан кичик бўлса, у албатта тенор ёки альт овоз туридир. Қанча овоз йўғонлашган сари овоз ҳосил қилувчи аъзоларнинг ҳажми шунчалик кенгайиб боради. Лекин айтишларича таниқли хонанда Корузонинг овоз пайларининг ҳажми басларникидек бўлсада унинг овози лирик тенор эканлигини ҳеч ким рад эта олмайди.

Тажрибали устозлар овоз кучи ва қуюқлиги жиҳатидан баритон лекин кўлам жиҳатидан тенорга ўхшаган овозларни турга ажратиш учун шу хонандага юқори пардаларда сўз айттириш оркали билишади. Шунда агар овоз тенор бўлса авжлардаги сўзларни аниқ ва қийинчиликсиз талаффуз этишади, акс ҳолларда баритон ёки бас овозининг оғиз артикуляцияси ва нутқи паст пардалардаги каби бемалол эмас, аксинча, улгурмайди ҳамда қийналади.

Бундан ташқари уларни турларини аниқлашда ташқи кўриниш муҳим аҳамиятга эга. Агар озғин, ҳаракатчан, салга жаҳли чиқувчи характерга эга бўлса бу одам тенор бўлади. Мободо узун бўйли, кам ҳаракат, кам гап оғир ва салобатли бўлса, билингки у албатта бас овозли хонандадир.

Баъзи устозларнинг таъкидлашича “анъанавий хонандалик соҳасида овозларни турларга бўлиб дарс бериш услуби унчалик тўғри эмас” деб таъкидлашади. Агар юқори пардаларини ола–олмаса бу ўқувчини ўз ҳолига қўйиб, ашулаларга овози етмаса бир–икки парда пастроқдан ҳам ижро этиш мумкин дейишади. “Бизда овозлар тесситураларга бўлинмаган, бундан кейин ҳам бу қоидаларга амал қиламиз. Бу каби овозларни турларга ажратиш бизга европа академик вокал санъатидан кириб келган.” деб уқтиришади. Бу услубнинг тарихий келиб чиқиши овоз тарбияси учун муҳим эмас. Гап шундаки, ҳар бир асарнинг ўз пардаси, ўз кўлами мавжуд. Хонанда асарларини мейёрига етказиб ижро этиш учун асардаги жозоба,

шиддат авжларни гўзаллигини очиб бериш каби хислатларини ҳам кўшиши керак. Бу асарларни яратган бастакорлари айнан белгиланган парда учунгина басталашган бўлсачи? Бу пардалар масаласи ҳали узоқ йиллар давомида баҳс мунозарага муштоқ жабҳадир. Бизнингча ҳозирги кунда овоз борасида биз эришган билим ва куникмаларни ҳаммаси ҳам керак, гарчи бу санъат европадан кириб келган бўлса ҳам! Қадимда овозлар тесситураларга бўлинмаган бўлса биз ҳам шундай йўл тутишимиз керакми?

Овознинг тўғри тарбияси устозларнинг малакасига ҳам боғлиқ. Иложи бўлса ҳар бир бўлажак хонанда ўз овоз турига ўхшаш овозли устоздан таълим олгани маъқул (тенор шогирд тенор овозли устоздан, сопрано овозли шогирд бўлса сопрано овозли устоздан ва ҳ.к). Шундай қилинса бизнинг назаримизда тўғрироқ булар эди. Лекин Ўзбекистон халқ артистлари Ҳалима Носирова, Саодат Қабулова, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Фаттоххон Мамадалиев, Махмуджон Тожибоев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Комила Аминова, Машраб Эрматов каби тажрибали устозлар аралаш овоз соҳибларини, ҳатто эркак ҳамда аёл овозларини ҳам бир хилда, оқилона тарбиялаганлар ва тарбиялаб келмоқдалар. Шунинг учун консерваторияга ёки коллежларга ўқишга кирган бўлажак хонандалар тажрибали устоз сабоқларидан баҳра олишга интиладилар.

Ёш хонанда ўқитувчиларимизнинг ичида оқилона дарс бериб, яхши кўрсаткичларга эга бўлаётганлари ҳам бор. Лекин ёш хонанданинг овоз кўламини аниқламай туриб, овозни қийнаш, ортиқча зўриқтириш ва оқибатда овози синиб кетаётган хонандаларимиз ҳам топилади. Бу албатта ўқитувчини тажрибасизлигидан келиб чиқадиган ноҳуш ҳолатдир.

Болалар овозлари яъни, дискантларни овоз кўламини эътибор билан текширмай туриб, овозни зўриқтириш ярамайди. Маълумки, болалар овозлари йиллар давомида ашула айтиш натижасида борган сари кўлами кенгайиб, овоз пайлари мустаҳкамланиб боради. Ўсмирлик даврига келиб,


болаларда овоз ўзгариши кузатилади, буни мутация яъни, расидалик даври деб атайдилар. Болалик даврида овозини йўлга қўйиб олган хонандалар расидалик давридан тажрибали устоз маслаҳатлари билан силлиқ, қийинчиликсиз ўтадилар. Шундай ҳолатлар бўладики болаликдаги овоз қўлами етуклик даврида ҳам ўзгармайди, овоз тўлишиши ва тембр ўзгаришини айтмаганда. Бу албатта болалик овозини яхши ишлов берилганлиги ва расида даврининг муваффақиятли кечиши оқибатидир.

Болалик овозларини яхши тарбия топтириш ва расида даврини силлиқ, қийинчиликсиз ўтиши учун овоз машқларини олиб бориш, киздириш йўллариини ўқувчига яхшилаб ўргатиш лозим. Бу амалларсиз асар ижросига ўтмаслиги кераклигини уқтириш керак, ҳамда шифокор оторинолоринголог кўригидан ўтиш каби муҳим масалаларни бажариш лозим. Иложи бориша ҳар бир дарсида шифокор кўригидаги сезилган ўзгаришларни белгилаб бориш зарур бўлади. Боладаги ўпканинг кенгайиши овоз пайларини ривожланиши доимо назорат остида бўлмоғи лозим. Ундан ташқари овоз қўламини кенгайиши асарлар ҳақидаги маълумотларга тобора эга бўлиб бориши, асарлардаги сир–синоатларни ўргана бориши ва устоз томонидан кузатилган барча ўзгаришлар ёзиб борилиши бўлажак хонанда учун муҳим аҳамият касб этади.

Катта ашула ижрочилари







Хулоса

Мақом ва мумтоз ижрочиларини ҳар томонлама етук ва устозона овоз ҳосил қилиш услубларидан ҳабардор қилиб, халққа етиштириб беручи билим даргоҳлари, яъни Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳамда ихтисослаштирилган мусика академик лицейлари, шунингдек санъат коллежларининг анъанавий хонандалик бўлимлари мутахассислик, овоз созлаш, хонандаликни ўргатиш услубияти каби фанлар учун Катта ашула ижрочилигини жорий этишса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Катта ашулаларни ҳозирги кунда ижрочилари мавжуд аммо магнит тасмаларида ёзиб қолдирилган қадимий ёзувлар таянч манбаа бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари уларни нотага олиш, матнларни тайёрлаш зарур. Ҳозирги кунда Ўзбекистон давлат консерваторияси, анъанавий ижрочилик кафедрасида катта ашула ижрочилиги дарси жаъми 36 соат мобайнида ўтилмоқда, бироқ бу санъатни тўла ривож топиб, шу кунларда давом эттирадиган бўлсак, камида 72 соатдан иборат амалий якка дарс олиб борилиши керак.

Хонандаликка ўқиш истагини билдирган номзоднинг тўғри танланганлигига муаллимнинг ишончи ҳосил бўлиши учун боланинг овози ва мусиқий қобилияти, жисмоний ривожланишини ва хонандаликка тўғри тавсия қилинганлигини такроран текшириб у билан суҳбатлар ўтказиши мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчи шогирдининг ашулачилиқни танлагани ва унда ўқиб кетишига кўзи етгандан кейингина ўқувчини хонандалик йўл-йўриқларини ўргатишга киришади. Биринчи машғулотларни унга ёқадиган миллий, ёрқин кўшиқ ва ашулаларни куйлаб бериш орқали ўқувчини қизиқтириш ҳамда хонандалик ҳақида қизиқарли ҳикоя қилиб бериш билан бошлайди. Агарда ўқувчи олдин бошланғич босқичда ўқиган ва маълум малакаларни эгаллаган бўлса бунда иш янада осон кечади.

Ўқитувчининг бош вазифаси шогирдида мутахассислик дарсига ва хонандаликка нисбатан муҳаббат уйғотишдир. У ўқувчини қизиқтириш ва таъсир қилиш орқали ундаги руҳий жараёни (қабул қилиш, диққат,

хотира қобилияти, фикрлаш ва ҳ.к.) фаоллаштиради. Бунда муаллимнинг мутахассислик синфида ўзи ижро қилиб кўрсатиши, концертларда чиқиши, очик дарс ўтиши, синф концертлари бериши, мумтоз шоирларнинг шеър–ғазал девонлари ва нота адабиётларининг ранг–барангларидан танлаб ўргатиши, “муаммоли дарс” ўтиши каби омилларнинг аҳамияти жуда катта.

Дарсда катта курс талабалари ижросини кичик курсдагилари ҳам кириб тинглашлари ва буни тескарисини ҳам қўллаш катта самара беради. Бунда талабада ўқитувчилик малакалари ва кўникмалари шакллана боради ҳамда педагогик амалиётнинг биринчи пағоналарини ҳис қилади. Айниқса машҳур ижрочилар куйлаган турли форматдаги электрон ёзувларни эшитиш, концертларига бориб жонли ижроларини кўриб баҳраманд бўлиш, учрашувларда ўзлари билан мулоқотда бўлиш ўқувчи учун катта аҳамият касб этади.

Ўқитувчи талабага ижро дастурини (репертуар) танлашда ҳар бир шогирдининг шахсий хусусиятлари, унинг хоҳиши, қизиқиши ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда иш юритиши лозим. Айниқса миллий ва маҳаллий услуб хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қадимги устозона ўргатиш йўллари ва ҳозирги замон илғор педагогик метододологиясига асосланган турли услубларни қўллаши ишнинг муваффақиятини таъминлайди.

Ўқувчининг хонандаликка кўникиш ҳосил қилиши мураккаб жисмоний ва руҳий жараён бўлиб, бунда ҳар бир ўқувчига мустақил ёндашиш талаб этилади. Таълимнинг дастлабки машғулотларидан бошлаб шогирдга овоз унинг хусусиятларини қизиқарли тарзда гапириб бериш жуда муҳим. Устоз ўқувчини қанчалик бу санъатга муваффақиятли қизиқтира олиши, овозини тўғри ҳосил қилиши ва ижро ҳолатида бутун тана аъзолари, мушакларни эркин тутиш ва доимо устоз назорати остида бўлиш зарур. Бу даврда ўқувчиларда енгил ва бемалол куйлашга руҳий кўникмалар ҳосил қилинади. Бош, гавда қўл ва оёқларни эркин тутиш,

Ўтириб ижро қилганида таянчни сақлаш малакалари сингдирилади. Ўқувчининг жисмоний тузилиши ҳар хил ривожланганлиги натижасида овози, талаффузи ҳар бир болада турлича бўлиши мумкин. Анъанавий хонандалик тажрибасида бундай ўқувчиларга устознинг тавсиясига қараб турли мақомлар сафидаги шеърларни пардалари билан турли машқлар танланиб, ижро қилдириш тавсия этилади.

Ижрочилик нафасини тўғри йўлга қўйишда ўқувчи нафас олганда ўпканинг пастки қисмлари тўлишини сезиши учун олдин уни столга ётқизган ҳолда табиий нафас олдириш ва диафрагма ишини тушунтириш, сўнгра иккала қўл бармоқларини (кўрсаткич, ўрта, номсиз, жимжилок) қорин ва бош бармоқларни биқинига қўйган ҳолда нафас олиш ва аста секин чиқариш машқларини бажартириш мақсадга мувофиқ. Бунда шогирднинг ўпка қопчаларини пастдан тўлиши, диафрагма мушаклари кенгайиши ва қисқаришини ўз танаси ва бармоқлари орқали сезади, кўради ва келгусида шунга амал қилади. Хусусан ўқувчига аудио, видео ёзувлар ва улардан қандай фойдаланиш, машҳур хонандалар ижроларини йиғиш ва мунтазам тинглаб бориш, шогирд билан уларнинг ижролари тўғрисида мулоҳаза ва муҳокамалар юритиш таълимда жуда яхши самара бериши муқаррар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

Адабиётлар

1. И.А.Каримов. “Маънавий юксалиш йўлида” Тошкент 1998 йил, 480 бет.
2. И.А.Каримов. “Юксак маънавият енгилмас куч” Тошкент 2008 йил, 143 бет.
3. И.А.Каримов “Миллий истиқлол мафкураси—халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” Тошкент 2000 йил, 32 бет.
4. Кайковус “Қобуснома” Форс тилидан Муҳаммад Ризо Огаҳий таржимаси, нашрга тайёрловчилар: С.Долимов, У.Долимов, Тошкент 2006 йил.
5. М.Ризаева, “Ёш хонандаларнинг камолоти” Тошкент 2003 йил.
6. О.Матёқубов, “Мақомот” Тошкент 2004 йил.
7. Б.Матёқубов, “Достон наволари” Тошкент 2009 йил.
8. Э.Бегматов, М.Турсунпўлатов, “Ўзбек нутқи асослари” “Ўқитувчи” нашриёти, Тошкент 1992 йил.
9. Ў.Расулов, “Анъанавий хонандалик ўқитиш методикаси” А.Навоий номидаги, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, Тошкент 2006 йил.
10. А.Назаров, “Фаробий ва Ибн Сино мусиқий ритмика хусусида”